2003 YIL 21 YANVAR, SESHANBA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№10 (6.535). Sotuvda erkin narhda

## БУГУНГИ СОНДА

**ЎРОҚДА ЙЎҚ, МАШОҚДА ЙЎҚ, ХИРМОНДА ҲОЗИР**
(1-2-саҳифаларда)



**ТАДБИРКОР САВОДХОН БЎЛСИН**
(1-3-саҳифаларда)

**САНЪАТ**
Ҳунармандчиликни айримлар бойлик орттириш манбаи ҳисоблайди. Шу боисдан улар чиқараётган маҳсулотлар зўрма зўраки, сифати бир нави бўлиб, тезда мижозларни ҳафсаласини пир қилаяпти. Лекин ҳунармандчиликни санъат, деб биладиган одамлар ҳам оз эмас. Аммо бундай кишиларнинг кўпчилиги етарли шароит яратиб берилмаганидан ишим юришиб кетмаяпти, деб зорланишади.
(1-4-саҳифаларда)

### КУНИНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

- Вазирлар Маҳкамаси Ёқилғи-энергетика мажмуининг 2002 йил якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.
- Вазирлар Маҳкамаси Алоқа ва ахборот-телекоммуникация технологиялари масалалари мажмуининг мажлиси бўлиб ўтди.
- Сирдарё вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорининг ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- Замонавий санъат марказида исроиллик суратказ Михаил Левит фотосуратлари кўргазмаси очилди.
- «Биоэкосан» республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуида «Чекмасдан ёшлик гаштини сур» лойиҳаси доирасида тайёрланган «Мен ўз йўлимни танладим» тарбиявий дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди.
- Навбаҳор туманида Наврўз айёмига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. «Обод маҳалла йили» муносабати билан туман ҳокимлиги, бир қанча давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорликда «Ободончилик ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги» тадбирларини ишлаб чиқди.
- Тошкентдаги Ўзбекистон-Япония марказида Профессионал менежмент йўналиши бўйича таълим дастурининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида умумхалқ байрами Наврўзга бағишланган мусиқий асарлар муҳокамаси бўлди.
- Тошкент вилояти «Тадбиркор аёл» уюшмаси ташаббуси билан тузилган кредит уюшмасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида талабаларни Миллий банкда ўқитиш дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди.
- Хоразмлик ва хорижий қурувчиларнинг ҳамкорлиги туфайли Урганч шаҳри сув тармоғи реконструкция қилинди.
- Берлиндаги Messe Berlin кўргазмалар мажмуида «Яшил ҳафта» 68-халқаро қишлоқ хўжалиги кўргазмаси иш бошлади.



**Ҳикмат Ҳакимов тўққиз йилдан буён Сирдарё вилоятидаги “Оқ олтин” дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятининг тегирмон цехида ишлаб келмоқда. Сифатли, харидоргир маҳсулотлар тайёрлашнинг сир-асрорларини ўзлаштириб олган бу тажрибали ишчи зиммасидаги вазифаларни доимо ортиғи билан бажариб, барчага ўрнак бўлмоқда.**

**СУРАТДА: Ҳикмат Ҳакимов.**

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

## АГРОСАНОАТ: ЙИЛ САРҲИСОБИ

***Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат мажмуининг 2002 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолашга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, қўмита, компания, корпорация ва муассасалар раҳбарлари иштирок этди.***

Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н.Юсупов бошқарган йиғилишда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи - агросаноат тизими корхоналарида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида изчиллик билан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бераётгани таъкидланди.

Ҳисобот даврида барча тизимда ўтган йилга нисбатан ялпи маҳсулот 6,1 фоиз, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 5,1 фоиз ўсишига эришилди. Бошоқли дон экинларини етиштириш ҳажми кўзда тутилганига нисбатан 110,3 фоизни, 2001 йилга нисбатан эса 138 фоизни ташкил этди. Пахтачиликда кўзланган ҳосил олинмаган бўлса-да, терилган «оқ олтин»нинг асосий қисми юқори кўрсаткичларга топширилди.

Агросаноат мажмуига қарашли қўшма корхоналар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 33,5 фоиз ортди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари билан хизмат кўрсатувчи ва тайёрловчи ташкилотлар ўртасидаги ҳамда хўжаликлардаги ички шартномаларни тузиш анча такомиллашди. Машина-трактор парклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига 2001 йилдагига нисбатан 1,5 баравар кўп хизмат кўрсатилди.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишга эришиш мақсадида хўжалик ички суғориш тизимларида белгиланган 140 мингдан ортиқ гидропостдан 66,3 мингтаси қурилди. Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланилиши устидан доимий мониторинг йўлга қўйилди, ер ва сув тўғрисидаги қонунларни бузиш ҳоллари камайди.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини талаб даражасида деб бўлмайди. Бир қанча тармоқ ва корхоналарда молиявий аҳвол ҳамон яхшиланмаяпти. Жумладан, «Ўзагромашсервис» ва «Ўзпахтасаноат» уюшмасида маҳсулот экспорт қилиш кўрсаткичлари бажарилмасдан қолди. Акция ресурсларини сотиш «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзагромашсервис» уюшмасида сусткашлик билан олиб борилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бўйича дебиторлик қарзлари ўтган йилга нисбатан 5,7 фоиз камайган бўлса-да, кредиторлик қарзлари 12 фоиз ошди. Юқори унумли техникага «ЎзКейсСервис» қўшма корхонаси томонидан кўрсатилган сервис хизматларининг нархи пасаймаяпти. Натижада, тўловлар сусткашлик билан амалга оширилмоқда, кузги-қишки дала ишларида мавжуд 1 минг 955 та «Магнум» тракторидан 220 таси умуман қатнашмади.

Мамлакатимизда деҳқон ва фермер хўжаликларининг сони йилдан йилга ортаётган бўлса-да, уларга консалтинг хизмати кўрсатиш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда малакасини ошириш борасидаги масалаларни ечиш Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбариятининг эътиборидан четда қолмоқда. Ҳисобот даврида Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига атиги 1,2 фоиз миқдорида маблағ туширилган, қишлоқ тадбиркорларининг фаолиятини ривожлантиришга деярли амалий ёрдам кўрсатилмаган.

Йиғилишда мавжуд муаммо ва йўл қўйилган хато-камчиликларни тезда бартараф этиш, соҳа самарадорлигини мунтазам равишда ошириб бориш билан боғлиқ бошқа айрим масалалар ҳам муҳокама этилди. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, барқарор ўсишни таъминлаш борасида тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

## БАРЧАГА БОҒЛИҚ ИШ

***Ватанимизда ҳар бир йилнинг ўзига хос бир ном билан аталиши рамзий маънога, қолаверса, мафкуравий таъсир кучига эга. Зеро, аёллари эъзозланган, оиласи тинч-тотув, қариялари қадрланган юртдаги обод маҳаллаларнинг кўплиги Ватанимиз тараққиётининг босқичидир.***

Жорий йилнинг “Обод маҳалла йили” деб номланиши эса юртимизда янгидан-янги юксалишлар йўлида хизмат қилади, десак адашмаймиз. Негаки, Ватан остонадан бошланади. Ўзбекнинг остонаси эса маҳалладир.

Айрим маҳаллаларимизда ишларимизга салбий таъсир кўрсатаётган, барчага яққол аён бўлган баъзи нуқсонлар борки, биз улардан қанчалик тез қутула олсак, ишларимиз шунчалик олға силжийди. Хусусан, қабул қилинаётган дастурлар ҳаётимизда тўла рўёбга чиқсагина, маҳаллаларимиз обод бўлади. Бу эса фақат фуқаролар йиғинлари раисларига эмас, барчамизга боғлиқ ишдир.

Шунингдек, баъзи қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларидаги таниш-билиш ҳамда қариндош-уруғларига моддий ёрдам ёзиш, битта уйда фарзандлар ота-онаси бағрида яшашса-да, аммо фуқаролар йиғинларида алоҳида-алоҳида яшаётган оила деб қайд қилиниб, уларнинг ҳар бирига қўшимча томорқа бериш, ўтказилмаган ижтимоий-маърифий тадбирларни “Ўтказилган тадбирлар” дафтарига ёлғондакам қайд қилиш, маҳаллалардаги спорт-соғломлаштириш ишларининг ўлда-жўлда йўлга қўйилиши, айримларнинг тўйу маъракаларини ортиқча дабдаба билан ўтказишларини кўра била туриб, эътибор бермаслик, лоқайдлик каби салбий иллатларга айнан бу йил барҳам беришга интилиб, бу борада барчамиз ҳамжиҳат бўлсакгина, айни муддао бўлар эди.

Яқиндагина жорий қилинган фуқаролар йиғинларидаги педагог-тарбиячилар фақат олий маълумотга эга бўлибгина қолмай, маҳаллада обрў-эътиборли, бошқаларга ўрнак бўладиган даражадаги маърифатли кишилар бўлишлари ҳам ишларимизнинг олға юришига хизмат қилади. Буларнинг барчаси эса маҳалла аҳлининг ҳамжиҳатлигига, ҳамкорлигига ва маҳаллаларимизнинг янада обод бўлишига олиб келади, деб ўйлайман.

**Умид БЕКМУҲАММАД**

ҚАРОР ВА ИЖРО

## КОНТРАБАНДАНИНГ ЙЎЛИ ТЎСИЛДИ

***Мамлакатимизда сўнгги йилларда сотувчи ва харидорларга шарт-шароит яратиш мақсадида замонавий талаблар даражасида ва барча қулайликларга эга бўлган бозорлар қурилмоқда, эскилари тўла таъмирдан чиқарилмоқда. Албатта, қилинаётган бу ишлардан кўзланган асосий мақсад юрт фаровонлиги, бозорлар тўкинлигини таъминлаш, аъло даражадаги бозор хизматини йўлга қўйишдир.***

Аммо, шундай қулайликларнинг қадрига етмаган айрим қўштирноқ ичидаги тадбиркорлар бозорларга ноқонуний йўллар билан четдан сифатсиз маҳсулотлар келтириб, давлат манфаатларига зиён етказиш билан бирга, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳам поймол қилмоқдалар.

Бундай қонунбузарликларнинг олдини олишда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида”ги қарори дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, хусусан, прокуратура идоралари ушбу қарор ижросини таъминлаш борасида жиддий ва кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Тошкент шаҳар Сирғали тумани прокуратураси ва прокуратура ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ҳам бозорларимизга сифатсиз маҳсулотлар кириб келинишига тўсиқ қўйиш масаласига жиддий эътибор қаратишаяпти.

Маълумки, Сирғали туманида “Пойтахт – Сирғали савдо маркази” давлат унитар корхонаси, “Карвон – Сирғали – Авто” автомажмуаси, “Сирғали универсал бозори” очиқ акциянерлик жамияти каби йирик савдо мажмуалари жойлашган. Ушбу бозорлар кейинги йилларда ҳар томонлама кенгайиб бормоқда. Бу бозорларга нафақат республикамиздан, балки қўшни давлатлардан ҳам сотувчи ва харидорлар келиб кетади.

Яқинда туман прокуратураси ҳузуридаги СОЖКК бўлими туман солиқ инспекцияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан ушбу бозорларда бир қатор назорат текширувлари ўтказиб, ноқонуний савдо-сотиқ билан шуғулланаётган кўплаб “ишбилармон”ларни аниқлади ва уларнинг фаолиятига чек қўйди. Жумладан, “Пойтахт – Сирғали савдо маркази” бозорида ўтказилган тадбир давомида хусусий тадбиркор И.Тоиров ҳеч қандай ҳужжатларсиз Андижон вилоятида ишлаб чиқарилган бир литрлик идишларга қадоқланган 300 дона пахта ёғи ва Эронда ишлаб чиқарилган, қадоқланган етти турдаги 1630 дона ўсимлик ёғи олиб келиб, машинадан тушираётган чоғида ушланди.

**(Давоми 2-бетда)**

## ЎҚУВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимлари, агросаноат соҳасига тааллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ўн кунлик семинар-мунозара машғулотлари давом этмоқда.***

Бу йилги семинар ўтган йиллардагидан ўзининг амалий машғулотларга бойлиги билан ажралиб туради. Ана шундай машғулотлар Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машиналари ва технологияларини синаш ва сертификатлаш маркази, Республика товар-хомашё биржаси ва Республика биржа-аукцион маркази, пойтахтимизнинг бир неча маҳаллаларида ташкил этилди.

Тингловчиларнинг навбатдаги машғулоти Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Бўстонлиқ туманида бунёд этилган «Чорвоқ» дам олиш масканида бўлиб ўтди. Чотқол-Угом тоғ тизмалари этагида, Чорвоқ сувомбори соҳилида жойлашган ушбу маскан ўзининг баҳаволиги, хушманзаралиги, юксак маҳорат билан барпо этилган меҳмонхоналарнинг шинам ва кўркамлиги, дам олувчиларга яратиб берилган қулайликлар - спорт майдончалари, болалар ва катталар учун мўлжалланган ёзги чўмилиш ҳавзалари, ресторан, бар, ижара майдончалари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.



**Олим НОРБЕКОВ, ЎзА мухбири.**

Б.АКРАМОВ олган сурат.

## НОВВОЙ НЕГА СЕМИРМАЙДИ?

ТАҲЛИЛ

***Хонадонимизга меҳмон ташриф буюрса, албатта, тезда бозорга чиқиб бўрсилдоқ оби нонлардан харид қиламиз. Чунки оби нонлар дастурхонимиз кўрки, файзи баракоти, қолаверса, меҳмоннинг ҳурмати. Қадимдан ота-боболаримиз ноннинг нақадар азизлигини қайта-қайта таъкидлашган, уни эъзозлаб, ушоғини ҳам увол қилишмаган. Шу боис бу гал кўзларимизга тўтиё бўлгулик оби нонларнинг яратувчилари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.***

Ёз кунларининг бирида самарқандлик уста новвой Олимжон акага шогирдликка тушдим. Олимжон табиатан оғир, вазмин йигит. Шу боис ўн гапингизга зўрға бир жавоб оласиз. Унинг “гап халтасини ечиш” бироз қийинчилик туғдирди.

-Новвойчилик ота касбми? – дейман Олимжонга зувалаларни тайёрлаб берарканман.

-Қаерда, - дейди у ўйчан қиёфада. – Отамиз механик бўлганлар. Новвой бўлиш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган.

-Қанчадан буён новвойчилик қиласиз?

-Э, одамни гапга солавермасдан зувалани тезлатинг, хамир ачиб қолмасин.

-У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ишласак яхши-ку, зерикмаймиз. Олимжон жилмаяди.

-Яна икки кун ишласангиз чарчаганингиздан қандай нафас олишниям унутиб қўясиз, - дейди у патирларга зеб беракан.

-“Ётиб қолгунча отиб қол”, деган нақл бор. Ётиб қолгунча суҳбатингизни опқолай деяпман-да, устоз.

-Майли, гапирсам гапириб берай. Аммо новвойнинг гапини эшитадиганлар борлигидан кўнглим кўтарилди, ука. Сиз фақат ишдан чалғиманг, - дея у қандай қилиб Тошкент шаҳрига келиб қолганини сўзлай кетди.

**(Давоми 2-бетда)**

МАВЗУ

## “ҲУНАРНИ АСРАБОН НЕТГУМДИР ОХИР...”

(Боши ўтган сонларда)

***Тўхтамурод Саломовнинг ҳовлиси чеккасидаги дарахт соясида катта сўрига кўзи тушди.***

-Қанча вақтда тайёрладингиз? – деди ҳамроҳим ҳайратдан кўзларини пирпиратиб.

-Саккиз ой кечаю-кундуз меҳнат қилдим. Сўрига чиқиладиган зинапояни тайёрлаш учун бир ой тер тўкишга тўғри келди.

-Қанчага баҳолашди? – деди ҳамроҳим қизиқиши ортаётганлигидан тез-тез гапириб.

-Бир киши тўрт минг долларга сўраган эди, бермадим.

-Нима учун?

-Биласизми, мен бир ният билан ясаганман бу ажойиб сўрини. Бу орзум ҳар қандай бойликдан устун туради.

**(Давоми 4-бетда)**

## ФЕРМЕРЛИК ОСОН ЭМАС

МУАММО

***Деҳқон йил-ўн икки ой тиним билмай меҳнат қилади. Ана шу меҳнатлари эвазига йил якунида кўзлаган ҳосилини ололса бой бўлгани шу. Бироқ, етиштирган ҳосилининг маблағини вақтида ололмаса, бундан ёмони йўқ. Натижада деҳқоннинг қўли ишга бормай қолади.***

Сайхунободлик фермер А.Аҳадов пахта сотиш режасини ортиғи билан бажарса-да, топширилган маҳсулот пулини ололмай сарсон бўлишини кутмаган эди.

“Водий” фермер хўжалиги 1999 йилда 50 гектар ерга чигит экиб, маҳсулотни “Бирлашган” ширкат хўжалиги орқали тайёрлов корхонасига топшириш борасида шартнома имзолаган эди. Шунга кўра “Водий” фермер хўжалиги пахта тайёрлаш шартномавий режани 120 фоизга, яъни 137,2 тонна ўрнига 165,5 тонна қилиб бажарди. Ширкат хўжалиги шартномага асосан топширилган хом ашёни тайёрлов корхонасига етказиб берди-да, унинг эвазига берилган маблағни ўз ҳисобига ўтказиб олди. Фермер билан эса ҳисоб-китоб қилишни унутди. Шундан кейин А.Аҳадов бу масала бўйича ширкат хўжалиги собиқ раҳбарлари Э.Тўраев, Р.Нормуҳамедов ва бош ҳисобчи М.Каримовларга бир неча бор мурожаат қилди. Аммо фойдаси бўлмади.

Икки йиллик "югур-югур"дан сўнг А.Аҳадов вилоят Адлия бошқармасига мурожаат қилди. Бошқарма ходимлари масалани чуқур ўрганиб чиқиб, “Бирлашган” ширкат хўжалиги ва унинг собиқ раҳбарларига, фермер хўжалигига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириб бериш тўғрисида Сирдарё вилоят фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризасини киритди.

**(Давоми 3-бетда)**

ХОТИРА

## УМРЛАР БЎЛАДИКИ ...

***Инсон бошига тушиши мумкин бўлган энг оғир йўқотиш бой берилган вақтдир, дея эътироф этади Афлотун.***

Инсон бундай йўқотишни истамайди ва умри давомида яхши яшашга интилади. Кимдир яхши яшаш бировдан кам бўлмай тўкинчиликка эришиш дея хаёл қилса, кимдир эл аро обрў-нуфузга эга бўлиб, яхши ном чиқариш деб билади.

Яна шундай инсонлар борки, улар ҳеч қачон ўзгалар мақтови, иззати учунмас, балки инсоний бурчи, деб ҳисоблаган улуғ мақсадлар сари интилади. Эл мушкулини осон қилиш, озми – кўпми умри давомида лоақал йўл четига одамлар соясидан баҳраманд бўлсин деб, битта ниҳол ўтказишга улгуриш, бировга бир оғиз қаттиқ гапирмай, камтарин ва ҳалоллик билан умргузаронлик қилиш ана шу мақсадларнинг негизидир.

**(Давоми 4-бетда)**

## НУР ТЕГРАСИДАГИ ЗУЛМАТ

### АНИҚРОҒИ, САМАРҚАНДДА КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРГА ПАНЖА ОРАСИДАН ҚАРАЛМОҚДА

ТААССУФ

***Коммунал тўловларнинг иқтисодиётда муҳим ўрин тутиши маълум. Шундай экан, газ, электр энергияси, сув, иссиқлик манбаи ва бошқа хизматлардан фойдаланганлик учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш жамият аъзоларининг пайсалга солишлари мумкин бўлмаган вазифасидир.***

Ана шу бурчнинг қай даражада адо этилиши эса фуқароларнинг ўз мамлакатига, унинг ривожига қанчалик масъулият билан қараётганлигини, умумнинтизомга муносабатини, ҳурматини, бу масаладаги маданияти савиясини белгилайди.

Афсуслар бўлсинки, коммунал тўловларга бефарқ муносабатда бўлишдек ўтмиш асорати ҳамон яшаб қолмоқда. Бу эса ривожланиш, аҳоли турмуш тарзини юксалтириш йўлида сунъий ғовлар туғдирмоқда. Бундан ярим йил муқаддам Самарқанд вилоят электр тармоқлари идораси бизга 10 минг сўмдан 100 минг сўмгача қарзи бўлган фуқароларнинг узундан-узун рўйхатини тақдим этган эди. Бу йилги қишнинг қаҳрли келганлиги, декабр ойидаги қора совуқлар бўҳронида электр таъминотида ҳам узилишлар бот-бот юз берди. Айни кунларда ҳам аксарият уйлар кўнгилсизлик изтиробларига дучор бўлиб турибди. Шубҳасизки, таъминот тизимидаги муаммолар иқтисодий ночорликка бориб тақалади. Совуқ кунларда, айниқса, ногиронлар, қариялар, болалар ўша рўйхатдаги номларни қай кайфиятда эслаганлари аён.

**(Давоми 2-бетда)**

**КЕЛГУСИ СОНДА:** ТОРТИҚ ҚИЛИН(МА)ГАН ТАРОНА | ПАСПОРТ КИМНИКИ? | ДАМ ОЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?

БОЖХОНА

## ЁНИЛҒИ “ҲИДИ”ГА МАСТ БЎЛГАНЛАР

***Мамлакатимизда нефть мустақиллигига эришиш борасида муҳим ижобий ютуқлар қўлга киритилди. Кейинги йилларда бунёд этилган йирик нефтни қайта ишлаш корхоналари бунга яққол мисол бўла олади.***

Аммо, айрим шахслар томонидан содир этилаётган ҳаракатлар туфайли кўплаб нефть маҳсулотларининг республикамиздан ташқарига ноқонуний олиб ўтилаётгани ҳолатлари божхоначилар ва бошқа ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан аниқланиб, уларга нисбатан кескин чоралар кўрилмоқда.

Яқинда, Андижон вилояти “Хонобод” божхона пости ходимлари томонидан республикамиз фуқароси Йўлдошбой Сулаймоновга тегишли юклар назоратдан ўтказилганда, у ўзининг М-412 русумли, автоуловида умумий қиймати 78 минг сўмлик 300 литр бензинни ҳеч қандай ҳужжатларсиз Хонобод шаҳри ҳудудидаги божхона назорати ўрнатилмаган “Автодром” айланма йўли орқали Қирғизистон Республикасига ноқонуний равишда олиб чиқиб кетаётганлиги аниқланди.

Шунингдек, айнан мана шу вилоятнинг Қора-сув шаҳри ИИБ ходимлари томонидан республикамиз фуқароси Жумагул Саидовага тегишли юклар текширувдан ўтказилганда, у ўзининг М-2127 русумли, давлат белгиси 17 I 42 15 бўлган автоуловида, умумий қиймати 100 минг сўмлик 400 литр бензинни Қорасув шаҳри ҳудудидаги божхона назорати ўрнатилмаган “Шаҳрихонсой” айланма йўли орқали ҳеч қандай ҳужжатларсиз Қирғизистон Республикасига олиб чиқиб кетаётган чоғида тўхтатиб қолинди.

Фарғона вилоятининг “Ўзбекистон” божхона маскани ҳушёр ходимлари томонидан ҳам, ўзаро тил бириктириш йўли билан 500 литр дизель ёнилғисини айланма йўллар орқали Қирғизистон республикасига олиб чиқиб кетаётган Республикамиз фуқаролари Тўрабой Шералиев ҳамда Ихтиёр Қамбаровларнинг қилмишлари фош этилди.

**Нурбек САЛОМОВ**

# ФЕРМЕРЛИК ОСОН ЭМАС

**(Боши 1-бетда)**

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг қарорига кўра “Бирлашган” ширкат хўжалигидан даъвогарга маҳсулот қиймати ҳамда жавобгар Э.Тўраев, Р.Нормуҳамедов ва М.Каримовлардан етказилган моддий ва маънавий зарарларни солидар тартибда ундириб олинадиган, шу билан бирга ширкат хўжалиги 83600 сўм миқдордаги давлат божи ҳам тўлайдиган бўлди.

Сайхунобод тумани “Янгиобод” ширкат хўжалиги оила пудратчилари Холмурод Тошбоев ва Эльназар Ниёзовлар ҳам ширкат билан тузилган шартномага кўра режадан ортган маҳсулотни ўзларига олиб қолишлари керак бўлгани ҳолда, бир килограмм ҳам маҳсулот олишолмаган. Натижада фуқаролик суди қарорига кўра, ширкат хўжалигидан пудратчиларга етказилган моддий ва маънавий зарар ундириб бериладиган бўлди.

-Афсуски, кўпгина фермерлар, оилавий пудратчилар ҳали ҳануз ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмайдилар, - дейди Сирдарё вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи Хайриддин Файзиев. - Натижада шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бир ёқлама бажарилади. Кўпинча ширкатлар, фермер хўжаликлари бирлашмалари, ҳокимликлар, МТПлар, нефть базалари, “Кимётаъминот” корхоналари, фермерлар ва оилавий пудратчилар билан тузилган шартноманинг бузилиш ҳолларига сабабчи бўлиб қолмоқдалар.

Сайхунобод тумани “Робот” деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси, шу ерда оила пудратчиси бўлиб ишлаётган Дилором Абидова билан 2000 йилда, келгуси йил ҳосили учун ўзаро шартнома тузган. Шартномага кўра Дилором Абидова 9 гектар майдонга ғалла экиб, 27 тонна дон топшириши ва режадан ортиқча етиштирилган маҳсулотни ўзига олиши керак эди. Пудратчи ўша йили 44486 тонна буғдой топширди. Шартномадан ошириб бажарилган 17486 тонна ғалладан эса бир килограмм ҳам ололмади. Бирлашмадагилар 2002 йил ҳосилидан, ана шу миқдордаги ҳосилни берамиз, дея пудратчини алдаб келишди. Охир-оқибат бу масалага ҳам Адлия вакиллари аралашиб, низо фуқаролик судида кўриб чиқилди ва пудратчи Дилором Абидова фойдасига “Робот” деҳқон хўжалиги бирлашмасидан етказилган зарар ундириладиган бўлди.

Шунингдек, ўтган 2002 йилда Сирдарё тумани “Ҳақиқат” ширкат хўжалигида оила пудратчиси бўлиб ишлаётган Х.Солиев, Сайхунобод тумани “Янгиобод” ширкатлар уюшмаси пудратчиси Шерзод Рустамовлар ҳам режадан орттириб етиштирган буғдой маҳсулотини ундириб олишолмаган ва бу масала ҳам судларда кўрилди. Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин.

-Фермер хўжаликларининг МТП, “Қишлоқхўжаликкимё”, “Сирдарёнефттаъминот” корхоналари билан шартномавий муносабатлари қандай?

-Айрим ҳолларда машина-трактор парклари, фермерлар билан тузилган шартномаларни бажармаяптилар. Мисол учун Гулистон тумани, Боёвут ДФХУда жойлашган “Мавлон ота” фермер хўжалиги билан 30.12.2001 йилда тузилган шартномага мувофиқ 35 гектар ер шудгорланиши ва 10 гектар ердаги буғдой ўриб берилиши керак эди. Фермер хўжалиги томонида МТП ҳисобига 173300 сўм миқдоридаги маблағ ўтказилган бўлса-да, МТП томонидан шартномада келишилган иш умуман бажарилмаган. Шунингдек, “Бешбулоқ” ДФХУда жойлашган “Барлос”, Сирдарё туманида жойлашган И.Сарибоев, “Тинчлик”, “Йўлдош бобо”, “Саид ота”, “Абдулло”, Оқ олтин туманидаги “Пахтакор”, “Тараққиёт”, “Умарқул ҳожи”, “Шоҳрух”, “Қўнғирот” фермер хўжаликларининг ҳам маблағлари МТПлари ҳисобида сақланиб келаётган бўлишига қарамай, уларга кўрсатилиши керак бўлган хизмат бажарилмаган. Бошқа туманларда ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин.

-Фермерлар ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари билан етарлича таъминланаяптими?

- 2002 йилнинг август ойида Гулистон шаҳар ва Сирдарё туман нефт маҳсулотлари базасида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши аҳволи ўрганиб чиқилганда, бу борада ҳам жиддий қонун бузилишларга йўл қўйилаётганлиги аниқланган. “Гулистон нефть маҳсулотлари” базаси томонидан ширкат ва фермер хўжаликларига нефть маҳсулотлари ажратилган лимитлар асосида тарқатилган. Шу сабабли, тузилган шартномалар ижроси амалда таъминланмасдан, шартномада кўрсатилган ҳажмдаги маҳсулот берилмаган.

Айрим фермер хўжаликларининг нефтбаза ҳисобида пул маблағлари бўлса-да, ажратилган фонд асосида маҳсулотлар тўлиқ берилмаган. Гулистон туманидаги “Абдумалик ота” фермер хўжалигининг иккинчи чорак учун 0,7 тонна дизел ёнилғисига фонди бўлиб, амалда 411 килограмм маҳсулот олган. Ваҳоланки, 2002 йилнинг 1 июль ҳолатига 309226 сўмлик маблағи нефт базасида мавжуд эди. Худди шундай ҳолат “Амир ота” фермер хўжалигида ҳам кузатилган.

Шунингдек, “Сирдарёнефтмаҳсулот” шўъба корхонасининг 2002 йил 6 августдаги 151/08 сонли Сирдарё нефт базасига ёзган хатида, деҳқон-фермер хўжаликларининг лимити йўқлиги сабабли фермерларнинг маблағлари база ҳисобида борлигидан қатъий назар, нефт маҳсулотларини бериш тўхталиши кўрсатилган. Эътибор бериб кўрилса, ушбу кўрсатма фермерлар билан тузилган шартномаларга зид бўлиб, унга асосан фермерлар билан шартнома асосида эмас, балки ажратилган лимитлар бўйича таъминотларни амалга оширилаётганлиги аниқланган. Агарда шу йўл тутиладиган бўлса, унда шартнома тузишга на ҳожат? Бундай иш юритув, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонунга ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”ги Фармонига зид эмасми? Наҳотки “Сирдарёнефтмаҳсулот” шўъба корхонаси раҳбарияти бу масалага жиддий эътибор бермаса? Сирдарё туман нефт маҳсулотлари базаси 4 та тумандаги 1519 та фермер хўжаликларига хизмат кўрсатади. Лекин ёнилғи маҳсулоти олишга фермер қўлида ишончнома бўлиши ва базага келганда солиштирма далолатнома ёки лимит берилиши тўғрисида тасдиқловчи ҳужжат ёхуд унга нефт маҳсулоти берилиши мумкинлиги тўғрисидаги рухсат бўлмаса, у ёнилғи маҳсулоти ололмаган. Бу эса фермерларнинг сарсон бўлишига олиб келаяпти. Аслида, масала туманнинг ўзида кўрилиб, шу ерда ҳал этилса эди, ошиқча “югур-югур”га чек қўйилган бўлармиди...

Вилоят “Қишлоқхўжаликкимё” бирлашмаси туман филиалларида минерал ўғитлар етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар ижросида ҳам айрим камчиликларга йўл қўйиляпти. Бирлашманинг Гулистон, Сирдарё, Мирзаобод, Сайхунобод тумани филиалларидаги аҳвол шулар жумласидан.

Юқорида келтириб ўтилган мисоллар шуни кўрсатиб турибдики, айрим мансабдор шахслар шартномани тузишдан мақсад нима-ю, унинг қандай қонуний кучга эга эканлиги тўғрисида етарлича тушунчага эга эмаслар. Ҳар қандай муносабатлар фақат қонуний асосларда бўлишини эътиборга олишмаяпти. Шу ўринда айтиб ўтиш кераккки, айрим фермерларимизда, оилавий пудратчиларда, пайчиларда ҳали-ҳамон ҳуқуқий билим етишмайди, ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишмайди. Натижада улар ҳуда-беҳуда сарсон бўлишмоқда.

Бугунги фермер фақатгина ернинг ҳолатини биладиган деҳқон эмас, балки қонун-қоидани, ўз ҳақ-ҳуқуқини тўла англаб етадиган бўлиши зарур. Замон шуни талаб қилади. Шу боис фермерлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида адлия бошқармаси томонидан Гулистон, Ховос, Оқ олтин, Сайхунобод, Сирдарё туманлари ва Гулистон шаҳрида семинарлар ўтказиб туриш йўлга қўйилди.

**Х.ШОМУРОДОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**




### СЎНГГИ ЧОРА

***АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд Ироқ мавзусида “Фокс” журналига интервью берди.***



Унинг айтишича, араб давлатлари ҳам урушнинг олдини олиш учун Саддам Ҳусайн ҳокимиятни топшириши керак, деган фикрда. “Мен ўйлайманки, Ироқ халқи Саддам Ҳусайннинг қандай сиёсат олиб бораётганлигини яхши тушунади. Ва унинг масаласини ироқликларнинг ўзлари ҳал этадилар. Уруш бошлаш энг сўнгги чора сифатида қўлланилади”, дея айтган Пентагон раҳбари.

Айни вақтда АҚШ Форс кўрфазига ўз қўшинларини жойлаштираётган бўлиб, бир ойлардан сўнг уларнинг сони 150 мингга етиши кутилмоқда.

### УРУШГА ҚАРШИ НАМОЙИШЛАР

***“Ассошиэйтед Пресс” агентлигининг хабар беришича, ўтган якшанба куни Америка Қўшма Штатларида Ироққа қарши эҳтимолли бўлиб турган урушга нисбатан норозилик намойишлари бўлиб ўтди.***



Оқ уй биноси ёнида тўпланганлар унинг ичига киришга ҳаракат қилганлар. Полиция билан юз берган тўқнашувда 2 киши жароҳатланган ва 16 киши ҳибсга олинган. Шунингдек, бундай норозилик намойишлари адлия вазирлиги, Федерал Тергов Бюроси бинолари олдида ҳам бўлиб ўтган.

### БАНКДА БОСҚИНЧИЛИК

***Хитойнинг шимолий-шарқидаги Шэньян шаҳридаги банклардан бирида босқинчилик содир этилди, дея хабар беради “ИТАР-ТАСС” агентлиги.***



Маълум бўлишича, банк олдида кучли портлаш амалга оширилган ва бино ичкарисига кирган ниқобли жиноятчилар 1,97 миллион юан (237 минг АҚШ доллари)ни ўзлари билан олиб кетганлар. Инкассатор автомобилидан пулларни банкка олиб кириш чоғида юз берган портлаш туфайли 3 киши ҳалок бўлиб, 4 киши жароҳатланган. Ҳалок бўлганларнинг 2 нафари хавфсизлик ходимлари ва бир нафари шу жойдан ўтиб кетаётган шахс бўлган. Банкни ўмариш Хитойда камдан-кам кузатилган ҳолатлардан бўлиб, ҳозирда жиноий қидирув гуруҳи мазкур иш юзасидан қидирув ишларини олиб бормоқда.

### ИТТИФОҚ КЕНГАШИ БЎЛИБ ЎТДИ

***Россия президенти Владимир Путин Минскка уюштирган сафари чоғида Белорус Республикаси раҳбари Александр Лукашенко ва бошқа ҳукумат вакиллари билан учрашди.***

Кеча Россия ва Белорус давлатлари ўртасида тузилган иттифоқ кенгашида иштирок этган Владимир Путин ўзаро иқтисодий ва хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни кучайтиришга эътибор қаратди. Шунингдек, кенгашда 2003 йилнинг бюджет лойиҳаси, 2004 йилга бориб икки давлат ўртасида муомалада бўладиган ягона валюта масалалари муҳокама этилди, дея хабар беради “Интерфакс” агентлиги.

### ТЕРРОР АКТИ

***Кеча Ҳиндистон шимолий-шарқидаги Ассам штатида юз берган портлаш туфайли йўловчи поезд ҳаракатланаётган рельсидан чиқиб кетди.***



Террор акти у қадар кучли бўлмаганлиги боис, гарчи рельсдан чиққан эса-да, қурбонлар кузатилмаган. Ҳозир барча йўловчилар эвакуация қилинган ҳамда ушбу йўналишда қатновчи бошқа поездларнинг ҳаракатланишлари ҳам тўхтатиб қўйилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг билдиришича, ушбу жиноятга “Халқ ҳарбий гуруҳи” алоқадор бўлиши мумкин.

### ҚИШ МУАММОЛАРИ

***Сахалин вилоятининг 9 та шаҳри ва посёлкаларида 11 мингдан ортиқроқ аҳоли совуқда қиш фаслини ўтказмоқдалар.***



Маълумотларга кўра, Горнозаводск шаҳрида аҳвол ўта жиддий ҳолатда бўлиб, 69 та кўп қаватли уйларда иссиқ сув тўхтаб қолган. Шунингдек, Долинск шаҳридаги 28 та ва Углегорскдаги 27 та кўп қаватли уйларда ҳам иссиқ сув муаммога айланган. Ҳозир Москвадан Сахалин вилоятига 30 миллион рубл миқдорида маблағ ажратилган бўлиб, у авария ҳолатидаги иссиқлик тармоқларини таъмирлашга сарфланади.

**“ИНТЕРНЕТ” тармоғидан олинди.**

## Тараддуд



**Андижонлик деҳқонлар ўтган йилги ютуқлардан ғурурланиб, бу йил ҳам қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиш ниятида баҳорги экиш мавсумига катта тараддуд кўрмоқдалар. Хўжаликларда, айниқса, чўл зонасида жойлашган Улуғнор ва Бўз туманларида ерларни шудгорлаш, шўр ерларни ювиш, яхоб бериш ва ариқ-зовурларни тозалаш ишлари сифатли амалга оширилмоқда.**

**СУРАТЛАРДА: Улуғнор туманидаги “Шаҳрихон” ширкат хўжалиги бош агрономи Улуғбек Абдувалиев, агроном Муроджон Ҳамидов ва сувчи Бахтиёр Мухитдинов; “Шаҳрихон” ширкат хўжалиги далаларида шўр ерларни ювиш пайти.**

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.



# “ПАХТА БАНК” – ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

ДАВР

***Қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтириш, ерларнинг сифатини яхшилаш, аҳоли ва қайта ишловчи корхоналарни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда хом ашё билан таъминлаш, тармоқда экспорт салоҳиятини юксалтиришдек мақсадларга эришишда банкларнинг ўрни бекиёс, албатта.***

Айниқса, қишлоқда фермерлик фаолиятининг жадал суръатларда ривожланиб бораётганлиги “Пахта Банк” учун катта имкониятлар яратаяпти. Бугун “Пахта Банк” республикадаги 70 мингдан ортиқ фермер хўжаликларининг қарийб 50 фоизига замонавий банк хизмати кўрсатиб келмоқда.

Сўнгги йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигида юз берган ўзгаришлар банкдан унга нисбатан янгича ёндошувни, жумладан, қишлоқ хўжалигини молиялашнинг бозор муносабатларига хос янги усул, тартиб-қоидаларини жорий этишни талаб этаётган бўлса, фермер хўжаликлари сонининг ортиши кредит ресурслари базасини доимий кенгайтириб бориш, яъни кўпроқ даромад олиш ва четдан маблағ жалб қилишнинг рағбатлантирувчи усулларидан фойдаланишни тақозо этмоқда. Шу боис, “Пахта Банк”да ички кредит сиёсати шакллантирилиб, қишлоқ хўжалигини кредитлашга доир алоҳида тартиб-қоидалар қабул қилинди. Кредит ресурслари базасини кўпайтириш мақсадида аҳоли учун қулай бўлган 11 та омонат турига 10,8 миллиард сўм маблағ жалб қилиниб, юридик шахслар учун 5 миллиард сўмлик депозит сертификатлари муомалага чиқарилди.

“Пахта Банк” томонидан фермер хўжаликларига 2001 йилда 2,5 миллиард сўм кредит ажратилган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич 5,3 миллиард сўмни ташкил қилди. Бу сармоянинг 4,1 миллиард сўми банк ресурслари ҳисобидан, 1,2 миллиард сўми эса бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан берилган.

Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун арзон кредит ресурсларини жамғариш мақсадида банк фойдасидан 25 фоиз ажратиш орқали “Имтиёзли кредитлаш жамғармаси” шаклланиб бормоқда. 2003 йилнинг 1 январ ҳолатига бу жамғарма ҳажми 5,2 миллиард сўмни ташкил қилиб, шундан 2,6 миллиард сўми фермер хўжаликларини кредитлаш учун сарфланди. Янги ташкил этилган ҳар бир фермер хўжалиги учун дастлабки сармояни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобида 628 нафар фермерга бошланғич сармоя учун 514,9 миллион сўм кредит ажратилган.

Фермер хўжаликларини халқаро молиявий институтларнинг кредит линиялари ҳисобидан қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Хусусан, Германиянинг КФВ ривожланиш банки кредит линияси ҳисобидан 553 минг АҚШ доллари, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит линияси ҳисобидан 200 минг АҚШ доллари қийматидаги айнан фермер хўжаликларига тегишли лойиҳалар молиялаштирилган. 2002 йилнинг ноябр ойида Европа тараққиёт ва тикланиш банки билан яна 7 миллион АҚШ доллари ҳажмида кредит линияси очиш тўғрисида шартнома имзоланди. Жорий йилда Осиё банкидан ҳам 5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб этиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда сурункали зарар билан ишлаётган, яъни истиқболсиз хўжаликларни фермер хўжаликларига айлантириш чоралари кўрилмоқда. Ўтган йилнинг 5 январида Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 8-сонли қарори қабул қилиниб, унда 83 та хўжаликни, шундан Сирдарё вилоятидаги Меҳнатобод ва Мирзаобод, Фарғона вилоятидаги Ёзёвон туманларини тўлиқ фермер хўжаликларига айлантириш белгиланди. Шунингдек, янги ташкил этилган фермер хўжаликларига қулай шароит яратиш мақсадида тижорат банкларига собиқ хўжаликлар ҳудудида мини-банклар очиш вазифаси юклатилди. Натижада, “Пахта Банк”нинг мини-банклари 58 тага кўпайиб, жами 162 тани ташкил қилди. Бу республикадаги мавжуд 528 та мини-банкларнинг 30,7 фоизи “Пахта Банк”ка тегишли демакдир. Бугунги кунда улар орқали 6 мингга яқин фермер хўжалигига хизмат кўрсатилмоқда.

Ўтган йил мазкур мини-банклар орқали янги ташкил топган фермер хўжаликларига турли эҳтиёжлар учун 246,3 миллион сўм кредит ажратилди. Сирдарё вилоятининг Меҳнатобод ва Мирзаобод, Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманларидаги фермер хўжаликларига 154 миллион сўм кредит берилди.

Жорий йилда “Пахта Банк” қишлоқ хўжалигини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга оид қатор чора-тадбирларни белгилаб қўйган. Ушбу тадбирлардан бири Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки кредит линияси ҳисобидан Элликқалъа, Нишон, Марҳамат, Шеробод ва Оҳангарон туманларида қишлоқ хўжалигини молиялаштиришдан иборат. Чунки ҳукуматимизнинг 1998 йил 19 августдаги 356-сонли қарорига асосан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошида Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки иштирокида “Қишлоқ хўжалик корхоналарини таркибий қайта тузиш” лойиҳаси учун махсус Агентлик ташкил этилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 43,5 миллион АҚШ долларни ташкил қилиб, у 4 йил давомида амалга оширилади.

Яқинда Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалигини таркибий қайта тузиш агентлиги ва АТ “Пахта Банк” ўртасида қарз маблағларининг 600 минг АҚШ долларлик биринчи босқичини ўзлаштириш бўйича қайта кредитлаш шартномаси имзоланди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-сонли қарори билан 2003 йилда Бухоро, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятларида амалдаги аванс бериш механизми ўрнига, фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси ва ғалла ишлаб чиқариш харажатларини уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш механизмини синаб кўришга розилик берилди. Бу эркинлик мижоз билан банк ўртасидаги муносабатларнинг янада яхшиланишига хизмат қилади, албатта.

Бугун банк ходимлари фермерларнинг кредит олишга бўлган йиллик эҳтиёжларини ўрганишмоқда, мижозларни қизиқтираётган масалаларга ойдинлик киритишаяпти. Бундан ташқари банкнинг ҳар бир бўлимида махсус хоналар, ахборот марказлари ташкил этилгани ҳам қувончли ҳолдир.

Изланиш, янгиликка интилиш, тезкорлик ва аниқлик, рақобат муҳитида тобланиш ютуққа эришиш - булар банк ходимларига хос хусусиятлардир. “Пахта Банк” жамоасининг жорий йилдаги ниятлари, хусусан, фермерларни қўллаб-қувватлаш борасидаги режалари катта; фермерларга ўз маблағлари ҳисобидан 5,04 миллиард сўм, шундан имтиёзли фоизлар билан 2 миллиард сўм маблағ ажратиш режалаштирилган. Бундан ташқари, Осиё тараққиёт ва тикланиш банки Ўзбекистон Республикасидаги кичик ва ўрта бизнес субъектларига молиявий ёрдам бериш учун 20 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилган. “Пахта Банк” томонидан ушбу маблағнинг 5 миллион АҚШ долларини узоқ туманлардаги деҳқон фермер хўжаликларига микрокредитлар сифатида ажратиш ишлари олиб борилмоқда.

Умуман олганда, бугун “Пахта Банк” деҳқону фермерлар, қишлоқда яшаётган каттаю кичик тадбиркорларнинг ўз банкига айланиб қолган. Ҳар бир бўлим, минибанкдаги мутахассис мижозлар ишончини оқлашга, аниқ ва тез, мукаммал банк хизмати кўрсатишга ҳаракат қилаётганлиги ҳам шундан.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” махсус мухбири.**

**ШИРКАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

“Янгийўл ёғ-мой” ҳиссадорлик жамияти келишилган нархларда кунгабоқар донини сотиб олишини ва қайта ишлаб беришини маълум қилади.




**Манзил: Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 352**

**Тел.: (37-260) 2-61-35, 2-61-64**
**Факс: 2-61-27**

## «ОҚ ОЛТИН»

**ТЕЛЕВИЗИОН ПУЛ-БУЮМ ЛОТТОСИНИНГ 19 ЯНВАРДАГИ 60-ТИРАЖИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ**

1 Тур - 9, 21, 72, 85, 83, 33, 20 телевизор ҳар бирига
сони: 1 чипта рақами: 3385
2 Тур - 80, 25, 84, 89, 3, 27, 86, 41, 69, 32, 50, 6, 8, 56, 31 телевизор ҳар бирига
сони: 1 чипта рақами: 72273
3 Тур - 39, 37, 48, 22, 14, 17, 34, 55, 28, 2, 71, 44, 60 телевизор ҳар бирига
сони: 1 чипта рақами: 48528
4 Тур - 38, 73, 45, 51, 30, 19 телевизор ҳар бирига
сони: 1 чипта рақами: 64287
5 Тур - 10, 47, 53, 81, 59, 18, 35, 57 "MATIZ" автомобили
сони: 2 чипта рақамлари: 624 , 45151
6 Тур - 46, 77, 13, 66, 61 "NEXIA" автомобили
сони: 1 чипта рақами: 79267
7 Тур - 68, 62, 12, 7, 5, 64, 23, 49, 43, 82, 15, 63, 16 тилла узук ҳар бирига, сони: 1 чипта рақами: 69535
8 Тур - 4 тилла узук ҳар бирига, сони: 1 чипта рақами: 62765
9 Тур - 26 тилла узук ҳар бирига, сони: 2 чипта рақамлари: 65854 , 108182
10 Тур - 67, 70 тилла узук ҳар бирига, сони: 14 чипта рақамлари: 29016 , 36683 , 41867 , 42792 , 53301 , 53491 , 55900 , 59774 , 64142 , 68857 , 74564 , 86481 , 97214 , 116498

| Тур | Сони | Ютуқ |
|---|---|---|
| 11 Тур - 58 | сони: 19 | 1000 сўм |
| 12 Тур - 74 | сони: 21 | 950 сўм |
| 13 Тур - 24 | сони: 37 | 900 сўм |
| 14 Тур - 79 | сони: 34 | 850 сўм |
| 15 Тур - 36 | сони: 30 | 800 сўм |
| 16 Тур - 88 | сони: 52 | 750 сўм |
| 17 Тур - 78 | сони: 125 | 700 сўм |
| 18 Тур - 52 | сони: 168 | 650 сўм |
| 19 Тур - 29 | сони: 310 | 600 сўм |
| 20 Тур - 40 | сони: 562 | 550 сўм |
| 21 Тур - 90 | сони: 746 | 500 сўм |
| 22 Тур - 54 | сони: 796 | 450 сўм |
| 23 Тур - 42 | сони: 1522 | 400 сўм |
| 24 Тур - 65 | сони: 1718 | 350 сўм |
| 25 Тур - 76 | сони: 3015 | 300 сўм |

**Халтадан чиқмаган шарлар: 1, 11, 75, 87**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 21 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1Австралия доллари | 566,96 | 1 Польша злотийси | 251,06 |
| 1Англия фунт стерлинги | 1545,97 | 1СДР | 1313,59 |
| 1 Дания кронаси | 137,53 | 1000 Туркия лираси | 0,57 |
| 1 БАА дирхами | 261,46 | 1 Швейцария франки | 699,77 |
| 1 АҚШ доллари | 960,29 | 1 ЕВРО | 1022,13 |
| 1 Миср фунти | 209,21 | 10 Жанубий Корея вони | 8,18 |
| 1 Исландия кронаси | 12,13 | 10 Япония иенаси | 81,25 |
| 1 Канада доллари | 625,19 | 1 Россия рубли | 30,18 |
| 1 Хитой юани | 116,01 | 1 Украина гривнаси | 180,07 |
| 1Малайзияринггити | 252,74 | | |

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

# “ҲУНАРНИ АСРАБОН НЕТГУМДИР ОХИР...”

**(Боши 1-бетда)**

Уни Ўзбекистон Президенти, Юртбошимиз Ислом Каримовга совға қилиш учун ўзгача меҳр, катта эътибор билан ясаганман. Худо хоҳласа, бир куни юртимиз Йўлбошчисига туҳфа қилмоқчиман.

Кандакор бизни меҳмонхонасига бошлаб кирди. У ерда турли кандакорлик буюмларига кўзингиз тушади.



Телефон аппарати қўйиладиган стулчани узоқ вақт томоша қилдик. Шундай чиройлики, ҳунарманд кишининг қўли билан яратилган буюм бунчалик ажойиб бўлишини аввал кўрмаган эдик.

Кандакорлик ўзига хос ҳунар бўлиб, кишидан катта билим, маҳорат ва иродани талаб қилар экан. Эринмаган, ёғоч устида ишлаб кўз нурини аямаган кишигина бежирим ва кўркам буюмлар ясай олишига амин бўлдик.

-Катта бинони сотиб олганмиз. Аммо ишимдан кўнглим тўлмаяпти.

-Нима учун?

-Сабаби шуки, “Тадбиркор” ва “Пахта Банк”нинг вилоят ва туман бўлимларига бир неча марта учрашдим. Аммо ҳунармандчилик ҳамда кандакорликни яхшироқ йўлга қўйиш учун кредит олиш масаласи сира ҳал бўлмаётир. Вилоят тадбиркорлар палатаси, “Бизнес-фонд” бошқармаси, “Ҳунарманд” ташкилоти ва бошқа бир нечта маҳкамаларга бош суқдим. Лекин илтимосларимга ҳеч ким қулоқ солмаяпти.

-Нега бу ерда ҳунармандлар кўринмаяпти, шогирдларингиз йўқми?

-Буям бир муаммо. Ёшлар ҳунар ўргатинг, деб жуда кўп келишаётир. Бироқ турли баҳоналар билан қайтариб юборишга мажбур бўлаяпман. Чунки кандакор учун, аввало, устахона керак. Ёшларни ишлатишга шароит бўлмагандан кейин касб ўргатиб бўлармиди?

Яна бир масалада кўмакка муҳтожман. “Олтин мерос” жамғармаси ва Ўлкашунослик музейи бир миллион сўмлик кандакорлик ва ҳунармандчилик буюмларни олган.

Аммо ҳозиргача пулини тўлашни кечиктириб келаётир.

* * *

Ҳунармандчиликни айримлар бойлик орттириш манбаи ҳисоблайди. Шу боисдан улар чиқараётган маҳсулотлар зўрма зўраки, сифати бир нави бўлиб, тезда мижозларнинг ҳафсаласини пир қилаяпти. Лекин ҳунармандчиликни санъат, деб биладиган одамлар ҳам оз эмас. Аммо бундай кишиларнинг кўпчилиги етарли шароит яратиб берилмаганидан ишим юришиб кетмаяпти, деб зорланишади.

Вилоят туманларидаги мутасадди ташкилотлар бебаҳо ҳунар соҳибларига ёрдам қўлини чўзсалар тезда хорижий мамлакатларга ҳам маҳсулот чиқариш имконияти туғилар экан. Ҳозир эса сифатли ҳунармандчилик буюмлари жуда камлигидан, ҳатто вилоят аҳолиси эҳтиёжини ҳам қондириб бўлмаяпти.

Муаммоларнинг ечими йўқ эмас. Вилоят туманларида ҳунар соҳибларининг йиғилишлари, семинарларини ҳеч бўлмаганда ойига бир марта ўтказиб турмоқ керак. Яна бир таклиф. Вилоят ва туман марказларида ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар сотиладиган дўконларни очишни тезлаштириш зарур. Учинчидан, чет эллик сармоядорлар билан вилоятдаги ҳунармандлар ўртасидаги алоқа жуда суст, уларнинг ишига хорижий технологияларни жалб этиш лозим. Шундагина хилма-хил, сифатли ва замонга мос буюмларни кўпайтириш имконияти вужудга келади. Ҳунармандлар ўртасида соғлом рақобат янада авж олиши учун рекламаларни ташкил этиш эътибордан четда қолаётир.

Яқинда Термиз ғишт заводи раҳбари Олим Сафарқулов Фарғонадан бир йигитни икки-уч ой давомида ёшларга иш ўргатиш учун таклиф этди. Нега бошқа ҳунармандлар самарқандлик, водийлик ҳамкасблардан касб сирларини ўргániб келишга ҳафсала қилмаяптилар? Юқоридаги муаммолар тезда ҳал бўлса, нозик ва шарафли ҳунар соҳибларининг иши ўз-ўзидан ўнгланиб кетиши аниқ.

Дарвоқе, кулол Камол Тўхтаев билан гурунг қилганимизда у бошини қашлаб ўйланиб қолди.

-Биз чиқараётган маҳсулотлар ҳам арзон, ҳам сифатли. Ҳунармандчилик бўйича вилоят ва туман ҳокимликлари алоҳида қарорлар чиқаришини жуда-жуда истар эдик.

Кулолнинг истагига табиийки, бошқа ҳунармандлар ҳам қўшилади. Бошини қашлаб турган кулолнинг сўзларини тинглар эканман, хаёлимдан шундай фикр ўтди:

-Ният фақат ниятлигича қолиб кетмаслиги керак. Энди амалий ишга киришиш зарур.

**Жовли ХУШБОҚОВ,**
**журналист**

# УМРЛАР БЎЛАДИКИ ...

**(Боши 1-бетда)**

Бундай инсонлар ўзи учунмас, ўзгалар учун қувониб,ўзгалар учун қайғуради. Улар тириклигидаёқ номини абадий қолдирадилар.

Сурхондарёликлар Холиддин Тожиддиновни ана шундай инсонлар сирасига киритадилар. Ҳали-ҳамон бу инсоннинг номини ҳурмат билан тез-тез тилга оладилар.

Холиддин Тожиддинов асли қувалик. Турмуш қийинчиликларини енгиш йўлида эрта меҳнатга шўнғиган Холиддин 1937 йили 13 ёшида Саросиё туманига иш излаб келади. Ёш бўлишига қарамай, монтёр бўлиб ишлади. Сўнг уруш оловида умрининг энг гуллаган дамларини қурбон қилди. Урушдан қайтгач, яна меҳнатга шўнғиди.

- Холиддин Тожиддинов моҳир қурувчи бўлган. У қаерга борса, замонавий бинолар, иншоотлар қад кўтара берган, - дея ёдга олишади уни таниган-билганлар.

Раҳбар ишбилармон, элим юртим деб ёниб яшайдиган бўлса, бу ҳам элнинг бахти-да. Холиддин ота шундай раҳбарлардан эди. У узоқ йиллар давомида турли лавозимларда ишлаб келди. Ва шу вақт мобайнида Сариосиё туманида касалхона, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш биноси, бир қанча мактаб қурилишига бош-қош бўлди, қатор-қатор уй-жой бинолари қурилди. Замонавий йўллар,кўприклар қуриб, асфальт ётқизиб, йўллар равонлигига эътибор қаратди.

Термиз шаҳрида ишлаётган кезлари жойларда сув тақчиллигига чек қўйиш мақсадида Аму дарёсидан сув келтириб, узунлиги 35 километр бўлган “Ғалаба” каналини барпо этди. Натижада Янгиариқ, Дўстлик, Намуна қишлоқлари ва Термиз оби ҳаёт билан таъминланди. Шунингдек, “Сурхон” заводини ташкил этиб,бу билан юзлаб ёшларни иш билан таъминлаган бўлдилар.

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги улкан кўприк қурилишида бўлиб ўтган бир воқеани ҳали-ҳануз одамлар эслашади.

Кўприк қурилиши учун дастлабки устунларни қўйишганда,уни сув оқизиб кетаверади.Нима қилишни билмай турган бир пайтда шу ердагилардан бири “Холиддин Тожиддинов билади мўлжални қаерга олишни, улардан сўраб кўрсак-чи”,дейди. Марказдан келган вакил бунга ишонмайди. Менсимаслик назари билан қарайди. “Тожиддиновнинг сочи қурувчилик билан оқарган”, дейишгач, унга мурожаат қиладилар.

Тожиддинов маслаҳати билан қурилишни бошлайдилар. Холиддин Тожиддиновни эса ҳукумат мукофотига тавсия қиладилар.

-Холиддин камтарин, очиққўнгил инсон эди. Унинг ўн нафар ўғил-қизлари ҳам отанинг изидан боришди. Эл ҳавас қилади уларга, - дейди бу инсон билан елкама-елка меҳнат қилиб, ҳозирда қариликнинг энг сурурли гаштини сураётган Абдумутал ота. – Тўғри, у собиқ тузумнинг турфа найрангларини яхши тушунар, омонат турган мансаб курсисига ҳеч қачон умид қилмасди, бироқ “Э, ошна, қилаётган ҳар бир ишим мана шу меҳнаткаш эл учун-да. Эл билади,қадримга етади,марказдагилармас”, баъзан етти букилиб даладан чиқмаётган деҳқонларга қараб, “Бир кун елкамизга офтоб ҳам тегиб қолар”, дерди. Шукрки,ўзбекнинг елкасига офтоб тегди. Холиддин ўзи ич-ичидан орзу қилиб кутган бу кунни кўрмади. Дилбандларига насиб қилди озод кунда яшаш. Қадрига етишимиз керак-да бу куннинг”

Абдумутал отанинг бу сўзларидан ўйланиб қоласан киши. “Ўтаётган ҳар бир куннинг қадрига етаяпмизми? Умримиз давомида эл мушкулини осон қилиш йўлида озгина бўлса ҳам ҳиссамиз борми?” деган саволларга жавоб излаймиз.

**Абдужалил КАРИМОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

# БУЮКЛАР АЁЛЛАР ҲАҚИДА

* Токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан, улар ҳақида ҳамиша нимадир янги гап айтиш мумкин.
С.БУФФЛЕР

* Аёл – буюк сўз. Унда қизлик мусаффолиги, дўстга хос фидойилик, она жасорати мужассамлашган.
Н.А.НЕКРАСОВ

* Аёл севгисидан мусаффо бўлмаган, унинг мардлигидан мадад олмаган ҳамда камтарона йўриғига юрмаган одам ҳақиқий ҳаёт кечирмаган ҳисоб.
Ж.РЕСКИН

* Аёллар асабларимизни, ортиқча шахсиятпарастлигимизни юмшатади, улар бизга қайдан бунёд бўлганимизни эслатиб туришади.
М.БАРРЕС

* Қиз боланинг жамики бойлиги унинг номуси, бу бойлик ҳар қандай меросдан ҳам қимматлидир.
В.ШЕКСПИР

* Табиат аёлга шундай дейди: уддасидан чиқсанг гўзал бўл, хоҳласанг оқила бўл, аммо идрокли бўлмоғинг шарт.
П.БОМАРШЕ

* Аёлларни севинг ва иззат қилинг, улардан фақат юпанч эмас, балки илҳомингизга куч, маънавий ва ақлий қобилиятларингизни икки баравар оширувчи қудрат ахтаринг.
Ж.МАДЗИНИ

* Эркак ва аёл муҳаббати – бу ихтиёрий келишувдир, буни уларнинг қай бири бузса, фақат хиёнатда айбланади, аммо аёл она бўлгач, унинг бурчи янада кучаяди, бинобарин табиат унга зурриёт масаласини ишониб топширган.
Г.МОПАССАН

* Ҳамма ерда ва ҳамиша аёл кишининг энг олижаноб фазилати камтарликдир.
Н.М.КАРАМЗИН

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ**
**тайёрлади.**

# СПОРТ ОЛАМИДА

## МУҲИМ ҒАЛАБА

***Россия пойтахтида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кубоги баҳсларининг дастлабки беллашувлари мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган “Пахтакор” жамоаси аъзоларига омад келтирди.***



Украина чемпиони Донецкнинг “Шахтёр” жамоасига қарши тўп сурган тошкентлик футболчилар тезкор, ҳужумкор ўйин намойиш этиб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. “Пахтакор”га муҳим ғалаба келтирган голларни украиналиклар дарвозасига Бикмаев ҳамда Қосимовлар киритишди. Озарбайжон ёшлар терма жамоаси ва “Пахтакор” ўртасида кечган учрашув 1:1 ҳисобида якунланди.

## РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

***Ўтган йили мамлакатимиз спорти учун анча муваффақиятли кечди. Чунки спортнинг кўпгина турларида ҳамюртларимиз Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга, олтин, кумуш, бронза медалларини эгаллашга муваффақ бўлишди.***

Айниқса, Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида уюштирилган Осиё ўйинларида спортчиларимиз эришган ғалабалар, Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг футбол бўйича жаҳон чемпионати финалига йўлланма олганлиги, “Пахтакор” ва “Нефтчи”нинг Осиё чемпионлар лигасидаги муваффақиятли одими, бокс, каратэ, шоҳмот, сузиш мусобақаларида эришилган ғалабалар юқоридаги фикримизнинг далилидир. Аммо спортни янада ривожлантириш учун ҳали кўп ишлар қилиниши лозим. Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида спорт мутасаддилари, федерациялар раҳбарлари, мураббийлар иштирокида уюштирилган йиғилишда ўтган 2002 йилда спорт ривожи борасида қилинган ишлар ҳамда келгусида бажарилиши лозим бўлган режалар муҳокама этилди. Йиғилиш қатнашчилари болалар спортини ривожлантириш муҳим масалалардан бири эканлигини яна бир карра таъкидлашди.

## ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИ ЭЪТИБОРДА

***Жаҳон радио тармоғи хабарига кўра, футбол бўйича мутахассислар ўтган йилнинг энг яхши миллий чемпионатлари ўтказилган мамлакатлар рўйхатини эълон қилишган.***

Шуниси эътиборлики, хорижлик мутахассислар эътирофига кўра, 50 та давлат орасида Ўзбекистон миллий чемпионати ҳам тилга олинган. Демак, футбол ривожи йўлида қилинаётганислоҳотлар самара бера бошлади.

## АРТУРНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

***Енгил вазнли боксчилар ўртасида WBO йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Артур Григорян 17-бор ўзининг чемпионлик камарини муваффақиятли ҳимоя қилди.***

Германияда бўлиб ўтган учрашувда ҳамюртимиз польшалик Мэть Зеган устидан очколар ҳисобига ғалаба қозонди. Ҳозирга қадар Артур Григорьян профессионал рингда 36 та жанг ўтказиб, унинг барчасида муваффақиятга эришди.

## САФИННИНГ ЖАРОҲАТИ ПАНД БЕРДИ

***Австрия очиқ чемпионатида иштирок этаётган россиялик профессионал ракетка устаси Марат Сафин жароҳати туфайли мусобақаларда қатнашишни тўхтатди.***



У учинчи давра баҳсларига чиққанида майдонни тарк этишга мажбур бўлди ва ватанига қайтиб кетди.

## ЦЗЮ МУТЛОҚ ЧЕМПИОН

***Австриянинг Мельбурн шаҳрида америкалик Жесси Жеймсга қарши рингга чиққан россиялик боксчи Константин Цзю рақибини 25 дақиқадаёқ техник нокаутга учратди.***



Цзюнинг ушбу муваффақияти унинг спортдаги карьерасига катта улуш қўшди. Боиси, у 63,5 килограмм вазнли боксчилар ўртасида WBC, WBA, IBF йўналишлари бўйича мутлоқ чемпионликни сақлаб қолди.

**А.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.**

**МАСАЛЛАР**

# АЙҒИР БИЛАН ҚЎЧҚОР



**Ямин ҚУРБОН**

Айғиру Қўчқор, денг, борарди йўлда
Ем учраб қолди, во, тўла бир тўрва.
Айғир ўз нафсига учди, кишнади,
Қўчқорга едирмай, тепди, тишлади.
Қўчқорнинг ғурури келдими додга,
Тисланди, тисланди, тисланди ортга.
Сўнг калла урди шахт бўрондек келиб,
Ўтгандек бўлди нақ зилзила селпиб.
Айғирнинг тиззаси синди шу секунд,
Буркcиди шу секунд кўзларидан дуд:
“Эҳ! Эҳ!! Эҳ!!! Мунча ҳам бўлмасанг баттол!!” –
“Ў-ў, нодон, қайтимим келдими малол!!
Тишлашу тепишни яна бир қайтар,
Бўлурсан яна бир бундан-да баттар”.

# ГУНОҲЛАР УЮМИ

Бўғзида қолди, денг, Бек калимаси;
Чирт этди, узилди умрин риштаси.
Он ўтмай кифтига юклар уюлди,
Ҳар бирин залвори тоғдек туюлди.
Тош теккан бақадек эзилган мурда,
Нолиди йиқилган мисоли музда:
“Темирми ё чўян, не ўзи булар?!
Ҳар бири девнинг ҳам белини букар!!”
Шу дам ун таралди учгандек чибин:
“Эй, ёлғон жўраси, кушандаи чин,
Булар – гуноҳларинг йиғиндиси, бил;
Чирк қилмишларингга ҳар бири – кафил.
Бетингда бўлишиб бамисли куя,
Борурлар сен ила у дунё узра”.

* * *

Деюрлар: ҳар ким ўз экканин ўргай.
Очирмиш ким зоғдан булбулу тўрғай.

# КЎР ВА СОҒ

Юрадир элда бир масал, жўражон.
Кезидир, қулоқ ос, этайин баён.

* * *

Юлдузсиз тун эди, кўча эди тор.
Кўр аста борарди, қўлида фанор.
Соғ уни кўриб, денг, кулди: “Ў, оға,
Сўқирда эҳтиёж надир фанорга?!” –
“Во, иним, аҳмоқда нетсин фаросат;
Айиқдек лапанглаб юргувси албат.
Менга у туртиниб кетмаклиги ҳақ;
Қилгувси азият денгизига ғарқ.
Аввало Тангрининг ўзи эрур ёр,
Тунлари шунинг-чун қўлимда фанор”.

# БЕКОБОД

***“Бекобод” сўзининг маъноси “беклар обод қилган жой” демакдир. 1926 йилда Бекобод қишлоғи маркази бўлган туман тузилди ва ўз-ўзидан туман Бекобод номини олди.***

**ҚИШЛОҒИНГИЗ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?**

Уруш даврида йирик саноат корхонаси бўлмиш Ўзбекистон металлургия заводи ишга туширилгандан кейин Бекобод посёлкаси шаҳарга айланди. Шунинг учун ҳам республика ҳукумати 1944 йил 7 май куни Бекободни вилоятга бўйсинувчи шаҳар деб эълон қилди.

**Хонбиби ҲИММАТ қизи**

**ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!**

# “ШУНДАЙИ ҲАМ БЎЛАДИ...”

*Сут эмизувчилар орасида сутни энг кўп берадигани кит экан. Кит боласига бир кеча-кундузда ўрта ҳисобда 100-130 литр сут бериб боқар экан.

*Панаманинг тропик ўрмонларидан топилган ўрмакчининг узунлиги 0,8 миллиметр экан. У оламдаги энг кичкинтой ўрмакчи ҳисобланади.

*Бенгалиялик 26 ёшли Синумас Даснинг олти ошқозони бор экан. У ҳар куни 15 килограмм нон, 2 килограмм горчица, 15 литр сут, 30 литр сув, бир челак чой, ҳар хил мевалар, кўкатлар, банан - ҳаммаси 80 килограмм таом истеъмол қилар экан.

*Чигирткaнинг қанотида “Биз Яратганнинг аскаримиз” деган арабча ёзув борга ўхшашлиги аниқланган.

*1926 йилда Прага шаҳрида бир аёл бола кўрган. Қизиғи шундаки, боланинг юраги гавдасидан ташқарида жойлашган экан. Юрак ўта секин уриб турган. Тананинг иссиқлиги эса 40 градус атрофида бўлган.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ**
**тайёрлади.**



**Кексалик - улуғ неъмат.**
**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

# “ЭКОЛОТ” : ХОҲЛАГАНИНГНИ МИНАСАН

***Миллий матбуот марказида “Эколот” Ўзбекистон – Голландия қўшма корхонасининг мамлакатимиздаги етти йиллик амалий фаолияти ҳисоботи ва 2002 йилнинг сўнгги ойларида “Эколот” лаҳзалик пул-буюм лотереясининг қимматбаҳо ютуқларини қўлга киритган омадли инсонларга ютуқларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.***



“Эколот” Ўзбекистон – Голландия қўшма корхонаси 1995 йили Тошкентда очилган бўлиб, ўша пайтда унинг низом жамғармаси 100 минг АҚШ долларини ташкил қилганди. Мазкур қўшма корхона бугунги кунда Республикамизда мавжуд лаҳзалик лотереялари орасида ўз нуфузига эга ҳамда улардан бир неча хусусиятларига кўра яққол ажралиб туради. Жумладан, “Эколот”нинг лаҳзалик лотерея билетлари махсус буюртма асосида айни дамда жаҳон лотерея бозорининг 70 фоизини идора қилиб турган Сайнтифик Геймз Интернешнл (SGI) Англия компанияси томонидан ишлаб чиқарилади. Шуниси эътиборлики, бу компания дунё бозоридаги етакчиликни қўлдан бермаслик мақсадида бир қанча қоидаларга қатъий амал қилиб келади. Шуларнинг энг асосийси, билетларнинг махфийлигини сақлаш ҳамда ютуқли билетнинг айнан қайси тўпламда эканлигини ҳатто буюртмачига ҳам ошкор этилмаслигидир. Бу эса ўйинда ғирромга йўл қўйилмаслигини кафолатлайди.

**АНЖУМАН**

“Эколот” қўшма корхонасининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, улар ютуқ эгасига айланган ҳар бир инсоннинг кўнглини олиш, мушкулини осон қилишга интиладилар. Зеро, Молия вазирлиги билан тузилган шартномага биноан, ютуқлар тўрт ойдан кечиктирилмай берилиши шарт. 2003 йилнинг январ ойида сотувга чиқарилган лаҳзалик лотереяларни ўйнаб, сиз 959 та видеоплеер, 155 та телевизор, 5 та “Тико” автомобили, 7 та “Нексия” автомобили, 15 та “Матиз” ҳамда 2 та “Дамас” машиналаридан бирининг соҳибига айланиш имкониятини қўлга киритасиз. Ва энг муҳими, суперютуқ “бир чиптага уч машина” эгаси бўлишингиз ҳам мумкин.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Носир ЮСУПОВ (раис), Азим АЮПОВ, Абдуманноп АҲМАДАЛИЕВ, Ойбек ЁҚУБЖОНОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Пўлат КАЗИЕВ, Рафиқ МАТЧОНОВ, Икром НАЖМИДДИНОВ, Шодиқул НИШОНОВ, Қобилжон ТОШМАТОВ, Муҳаммаджон ХУДОЁРОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Фозил ЮСУПОВ, Икромжон ЎРИНБОЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эргаш ҚУРБОНОВ, Ўринбой ҲАСАНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар – 136-56-30.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-22-648-72; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган - 8 - 369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Ш.ОРТИҚОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-023, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди: 21.00
Адади 18 536

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6